

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРОБОВ ШЕРЗОД АЛИШЕРОВИЧ

**ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Туробов Шерзод Алишерович.

Томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш
йўллари..... 3

Туробов Шерзод Алишерович

Пути повышения активности и эффективности подсобных хозяйств..... 23

Turobov Sherzod Alisherovich

Ways to increase the activity and efficiency of subsidiary farms 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРОБОВ ШЕРЗОД АЛИШЕРОВИЧ

**ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04–Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2PhD/Iqt455-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хуррамов Азамат Файзуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бекмирзаев Мирзохид Адашалиевич,
и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз Давлат университети

Диссертация химояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги илмий даражасини берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «10» феврал соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-58, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (309 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниязий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2024 йил «26» сентябр кuni тарқатилди.
(2024 йил 26.01 даги № 2 рақамли реестр баённомаси).



Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор.

И.О. Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа доктори (Phd), доцент.

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ жойларда қашшоқлик ва очлик даражасини пасайтиришга қаратилган хавфсиз ва самарали озик-овқат тизимларини яратиш устувор масалалардан саналади. Зеро, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожланишида кичик бизнеснинг ўрни юқори бўлиб, унинг фаоллиги ва самарадорлигини ошириш озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш, қашшоқликни камайтириш, маҳаллий бозорларни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш каби масалаларни самарали ҳал қилиш имконини бермоқда. Зеро, "... қишлоқ хўжалиги дунё бўйича энг йирик иш берувчи тармоқ ҳисобланади. Зеро, дунё аҳолисининг 40 фоизи ушбу тармоқда банд бўлиб, камбағал қишлоқ аҳолиси учун асосий даромад ва иш ўрни манбаи саналади"¹. Шу боис, мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишининг олдини олиш ва томорқа хўжаликлари аъзоларини келгусида тадбиркорликка йўналтириш соҳанинг муҳим масалаларидан бири саналмоқда.

Жаҳонда нуфузли илмий марказлар ва тадқиқот институтлари томонидан қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари фаоллигини ошириш ҳисобига аҳолини ўзини-ўзи банд қилиш ҳамда молиявий мустақилликка эришишнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиб, мамлакатлараро глобал масала даражасида турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, қишлоқларда томорқачиликни ривожлантириш учун инновацион қишлоқ хўжалиги технологияларини ишлаб чиқиш, кичик ҳажмли техникаларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш, иқлим ўзгариши ва экологик инқирозлар шароитида томорқа хўжаликлари фаолиятига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни таҳлил қилиш, рискларни бошқариш, бозорни ривожлантириш, тадбиркорлик кўникмаларини қўллаб-қувватлаш, самарали маркетинг ва молиялаштириш механизмларини яратиш ва амалиётга қўллаш доирасидаги тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда томорқа хўжаликлари фаоллигини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш борасидаги ислохотлар пировардида аҳолининг ижтимоий фаравонлигини бир мунча яхшиланишига олиб келди. Аммо, республика аҳолиси салмоқли қисмининг қишлоқ жойларда яшашлиги, улар орасида доимий иш билан банд бўлганлар сонининг камлиги, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражасининг пастлиги, инфратузилма объектлари сонининг камлиги, инвестицияга бўлган талабнинг юқорилиги таркибий ислохотларнинг мантиқан давом эттириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу боис, истиқболда "... томорқа ер эгалари манфаатларига хизмат қилувчи янги мазмундаги тузилмалар ташкил этиш ва улар фаолиятини самарали

¹ <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/hunger/>

йўлга қўйиш...”² соҳани ривожлантиришнинг асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Шу жиҳатдан томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш соҳанинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги (2021 й.), “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги (2021 й.) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4767-сон “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 30 январдаги ПҚ-53-сон “Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уй хўжаликлари негизидаги томорқа хўжалигининг келиб чиқиши, томорқа хўжалиги фаолиятини юритиш, унинг функциялари, оилавий ресурслар ва оилавий бизнес, томорқа хўжалигини иқтисодиётнинг фаол субъекти сифатида самарали ташкил этиш муаммолари хорижий тадқиқотчилар, хусусан Н.И.Бойчук, Е.С.Комеева, М.А.Ахмедова, А.Н.Романов, Г.И.Шмелев, В.В.Радаев ва В.В.Шиховец³ лар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари негизидаги томорқа хўжаликларининг табақаланиши, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожлантиришнинг аҳамияти, деҳқон ва томорқа хўжаликларини ташкил

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2022. – 440 бет. (166 б.).

³ Boychuk N.I., Korneeva E.S. Households as a sector of the economy. // Vologda readings. – 2005. – №54-2. - S. 27-29. Akhmedova M.A. Household in the system of the national economy and its role in the development of market relations of the Republic of Tajikistan // Abstract. dis. Ph.D., Khujand, 2012. – 18 p.; Романов А.Н. Экономика домашних хозяйств. – М.: Финансы, ЮНИТИ. 1998. – 231с., Шмелев Г.И. Производство сельскохозяйственных продуктов населением России. М.: Academia. – 2002. – 288 с.; Радаев В.В. Человек в домашнем хозяйстве// Социологические исследования. 1997. – №4. – с.64-71., Шиховец В.В. Роль частного домохозяйства в формировании рыночной экономики в современной России: дисс. ... к.э.н. Волгоград. – 1998.

этиш ҳамда уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш, унинг молиявий-иқтисодий вазифалари, ишлаб чиқариш (деҳқон хўжаликлари сифатида) ҳамда оила тадбиркорлигидаги ўрнини ошириш йўналишида Б.Б.Беркинов, Қ.А.Чариев, Р.Хусанов, Н.Хушматов, Ф.А.Ахмедов, У.Қ.Ахмедов, Р.Хасанов, Г.Самиева⁴ ва бошқаларнинг илмий ишларида эътирофга молик илмий-назарий ва амалий натижалар олинган. Аммо, томорқа хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатиш субъектлари ўрта-сидаги муносабатларни ягона тизим сифатида инновацион, хусусан рақамлаштириш орқали самарали ташкил этиш соҳанинг долзарб масалаларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шу боис, томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ИЗ-20170928247 “Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликларида тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш” инновацион лойиҳаси (2018-2019 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

томорқа хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари самарадорлигини ошириш ва даромадлари шаклланишининг назарий жиҳатларини ёритиш;

хорижий давлатларнинг томорқа хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича аҳамиятга молик тажрибаларини умумлаштириш;

қишлоқларда томорқа хўжалигини ташкил этиш самарадорлигини таҳлил этиш ҳамда асосий тенденцияларни аниқлаш;

⁴ Б.Б.Беркинов. Уй хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. “Фан ва технология”. – Т.: 2014 й. 131 б.; Қ.А.Чариев, Азизов Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (Монография) – Т.: “Oltin qalam nashriyoti” нашриёти. 2023. – 140 бет.; Р.Х.Хусанов, М.Қосимов. Деҳқон хўжалигини юритишнинг илмий ва амалий асослари. – Т.: Чўлпон, 2000. 104 б.; Н.С.Хушматов. Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш самарадорлиги ва уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т., 1994. – 22 б.; У.Қ.Ахмедов. Қишлоқ жойларида уй хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш фаолиятини ривожлантириш: дисс. (PhD) ... авт. и.ф.н. – Т., ТИҚХММИ, 2018 й.; Ф.А.Ахмедов. Бозор муносабатлари шароитида хонадон хўжалигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари: дисс. ... авт. и.ф.н. – Т. 2011 й.; Р.Р.Хасанов. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётда хонадоннинг ўрни. // Иқтисод ва молия. – Т.: 2015, №10. 2 б.; Г.Т.Самиева. Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари: дисс. (PhD) ... авт. и.ф.н. – Т., 2019. – 22 б.

томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш ҳамда мавжуд муаммоларни аниқлаш;

худудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос ва мақбул муддатларда экинларни жойлаштириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалигида томорқа хўжалиklarининг маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни моделлаштириш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикада фаолият кўрсатаётган томорқа хўжаликлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Қашқадарё вилояти томорқа хўжаликлари ва улар фаолияти билан боғлиқ субъектлар мисолида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида таққослама таҳлил, анкета сўрови, монографик кузатув, статистик маълумотларни жамлаш ва гуруҳлаш, SWOT таҳлил, тизимли таҳлил, ижтимоий таҳлил, индукция ва дедукция, рискларни баҳолаш, моделлаштириш ва прогнозлаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган маҳсулот етиштириш тизими худудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос ҳолда 4 босқичли (баҳолаш, режалаш, парваришлаш ва сотиш) жараёнларни қамраб олиш ҳисобига эртаки, ўртаки ва кечки экинларни мақбул жойлаштириш асосида такомиллаштирилган ҳамда уни амалга ошириш механизми таклиф этилган;

томорқа хўжаликларига агро ва ветеренария хизматларини кўрсатувчи “Томорқа хўжалиги – таъминот-сервис” хизматини ташкил этиш асосида “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолиятини такомиллаштириш асосланган ва намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган ҳамда ташкил этишнинг иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий рағбатлантириш механизмлари таклиф этилган;

“Тадбиркорлик кўникмаларини ошириш маркази” ва “Оилавий агро-маслаҳатчи” мобиль хизмат кўрсатувчи субъектларни ташкил этиш асосида томорқа хўжаликлари учун қулай агробизнес муҳитини яратиш, келгусида улар фаолиятини тадбиркорликка йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Қашқадарё вилоятида томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш ҳисобига томорқа ерларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг 2024-2028 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий мамлакатларнинг томорқа хўжалиklarини ривожлантириш бўйича аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган ҳамда уларни

республикамиз иқтисодиётига жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

томорқа хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос ва мақбул муддатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш тизими таклиф этилган;

қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари фаоллигини оширишга қаратилган хизмат кўрсатиш субъектларининг самарали фаолиятини ташкил этиш йўллари ва усуллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги муаммо доирасида иқтисодиёт соҳасидаги хорижий ҳамда маҳаллий олимлар томонидан олиб борган тадқиқотларнинг қиёсий таҳлил қилинганлиги, хорижий мамлакатлар тажрибаларини умумлаштирилганлиги, тадқиқот жараёнида илмий-методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадли қўлланилганлиги, ахборотларнинг расмий манбалар ва бевосита монографик ўрганилган томорқа хўжаликларида ўтказилган анкета сўровнома усуллари асосида олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларни ваколатли тузилмалар тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар томорқа хўжаликлари самарадорлигини ошириш, фаолиятини самарали ташкил этиш, келгусида томорқа хўжаликлари фаолиятини тадбиркорликка йўналтириш, ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини мақбул жойлаштириш ҳамда томорқа хўжаликларига хизмат кўрсатувчи янги мазмундаги тузилмалар ташкил этиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти томорқа хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, шунингдек, “Қашқадарё вилоятини 2023-2025 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш” давлат дастурларини амалга оширишда, томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим тизимида “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 9 февралдаги №01/00-02/19-781-сон маълумотномаси). Натижада, томорқа хўжалик-

ларида 3 марта ҳосил олиш ҳисобига аҳоли даромадларини 3,5 бараварга ошириш имкониятининг мавжудлиги асосланган;

томорқа хўжалиқларига зарур агро ва ветеринария хизмати кўрсатувчи “Томорқа хўжалиги – таъминот-сервис” хизматини ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 9 февралдаги №01/00-02/19-781-сон маълумотномаси). Натижада, томорқа хўжалиқларига экин экиш, ерга ишлов бериш, паррандалар ва чорва моллари учун керакли воситалар тўғрисида ахборот бериш, зотдор моллар, уруғлик, пестицидлар, минерал ўғитлар етказиш ва ветеринария хизматини самарали ташкил этиш асосланган;

томорқа хўжалиқларининг фаоллигини ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Тадбиркорлик кўникмаларини ошириш маркази” ва “Оилавий агромаслаҳатчи” мобиллашган хизматларини ташкил этиш таклифлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 9 февралдаги №01/00-02/19-781-сон маълумотномаси). Натижада, томорқа хўжалиқлари аъзоларининг эртаки, ўртаки ва тўқсонбости экинларини етиштириш, уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга оид билим, кўникма ҳамда малакалари оширилиши ҳисобига томорқадан олинадиган ялпи тушум 2,9 баробарга ошган;

Қашқадарё вилоятида томорқа хўжалиқлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш ҳисобига 2024-2028 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизими ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2023 йил 9 февралдаги №01/00-02/19-781-сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилояти томорқа хўжалиқларида 2028 йилда эртаки усулда етиштириладиган сабзавот маҳсулоти ҳажми 1,159 баробарга, эртаки полиз маҳсулотлари 1,564 баробарга, ўртаки усулда етиштирилган сабзавот маҳсулотлари 1,968 баробарга, тўқсонбости усулида пиёз етиштириш 2,226 баробарга, саримсоқпиёз маҳсулоти ҳажми эса 2,343 баробарга ошиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар 33 та илмий иш, жумладан 2 та монография, Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, шундан 6 та хорижий, 5 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий жами 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида томорқа хўжаликлари фаоллигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари самарадорлигини ошириш ва даромадлари шаклланишининг назарий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ушбу муаммо доирасида аҳамиятга молик тажрибаларини республикамиз иқтисодиётига қўллаш бўйича хулосалар ишлаб чиқилган.

Маълумки, томорқа хўжалиги тўғрисида тадқиқотлар қадимдан бошланган бўлиб, томорқа хўжалигининг иқтисодий категория сифатидаги таснифи, молиявий ҳолати, даражаси, ҳаёт сифати ва қишлоқ фуқароларини томорқадан фойдаланиш масалалари тадқиқ этилган. Аммо, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида томорқа хўжалигининг ўрни, мазмун-моҳияти, унинг хусусиятлари, табиати, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси бўйича турлича фикр ва мулоҳазалар мавжуд бўлиб, олимлар ўртасида бу хусусда ягона консенсус йўқ.

Зеро, томорқа хўжаликлари аҳоли иқтисодий фаолиятининг энг кенг тарқалган шаклларида бири сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг етакчи бўғинига айланиб улгурди. Шу боис, қатор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишида томорқа хўжаликларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини самарали ташкил этиш механизмлари шакллантирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда диссертацияда томорқа хўжаликларининг муҳим ва фойдали хусусиятлари очиб берилди.

Аксарият ҳолларда “томорқа хўжалиги” ва “уй хўжалиги” категориялари биргаликда ишлатилади. Бу икки атама турли контекстларда қўлланилиб, ҳудуд ва маданиятга қараб турли хил маънолар касб этади. Умуман олганда, иккала категория ҳам хўжалик ресурсларини бошқариш ва ички эҳтиёжларни таъминлаш билан боғлиқ иқтисодий фаолият шакллари англатади. Бироқ, ушбу атамаларни қўллашда уларнинг умумий ҳамда хусусий жиҳатларини фарқлаш лозим. Мавжуд илмий-назарий ёндашувлар ҳамда меъёрий-ҳуқуқий

хужжатларда “томорқа хўжалиги”, “уй хўжалиги” атамаларига берилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, “Томорқа хўжалиги – ресурслардан самарали фойдаланиш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида шахс ёки унинг оила аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ёки сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият туридир”.

Томорқа хўжаликлари даромадлари, унинг манбалари, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва ҳозирги кундаги муҳим хусусиятларини ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, томорқа хўжаликлари даромадлари қишлоқларда: барқарорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий фаровонлик, бандлик, қишлоқ тараққиёти ва атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг асосий манбаси саналади.

Томорқа хўжаликлари даромадларининг шаклланиши ҳамда унга таъсир этувчи омиллар хусусидаги мавжуд илмий-назарий ёндашувлар таҳлиллари асосида, бизнингча “томорқа хўжаликлари даромадлари – томорқа ер участкасини бошқариш орқали томорқада деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа турли хўжалик фаолияти натижасида олинган молиявий тушум”дан ташкил топади. Шунингдек, томорқа хўжалиги даромадлари ер участканинг ўлчамига, фаолият турига, минтақадаги иқлимга ва бошқа омилларга қараб катта фарқ қилиши мумкин.

Шунингдек, жаҳон мамлакатлари миқёсида томорқа хўжаликлари иқтисодий фаоллигини ошириш бўйича аҳамиятга молик тажрибалар мавжуд: тадқиқотлар кўрсатишича, томорқа хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариши учун жавобгарлик тизимини амалда жорий этиш (Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам), ҳосил квоталари белгилаш (Хитой, Вьетнам), органик деҳқончиликнинг халқаро стандартларини қўллаш (Хитой), анъанавий деҳқончиликдан воз кечиш (Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам), озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини таъминлашни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш (Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам), томорқа хўжаликларининг тадбиркорлик билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш учун рўйхатдан ўтиш ва фаолиятни ташкил этиш ишларини соддалаштириш (Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам) каби тажрибалар шулар жумласидандир. Бизнингча, ушбу тажрибаларни мамлакатимиз томорқа хўжаликлари фаолиятида қўллаш мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ер майдонининг 13 фоизи томорқа хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги йўналишларда томорқа хўжаликларининг фаоллигини ошириш эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: таълим, консалтинг, техник ёрдам, молиявий қўллаб-қувватлаш, кооперативларни ташкил этиш, ижтимоий тармоқларни ривожлантириш, инновацияларни жорий этиш, маҳаллий бозорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ва институционал асосларни яратиш ва бошқалар.

Диссертация ишининг “Қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари самарадорлигини ошириш тенденциялари” деб номланган иккинчи бобида қишлоқларда томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ҳолати, асосий тенденциялари, томорқа хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар таҳлиллари асосида мавжуд муаммолар аниқланган. Шунингдек, томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Республикамизда ер ҳисоби ва кадастр хизматларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 1,2 млн. гектар қишлоқ ерларига кадастр қилинганлиги сабабли, Қашқадарё вилоятида ҳам томорқа хўжаликлари сони 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 132 фоизга, уларга ажратилган экин майдонлари 118 фоизга ошган. Шунга мос равишда томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар миқдори ҳам ушбу йилларга мос равишда 138 фоиз кўп маҳсулот етиштирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Қашқадарё вилояти томорқа хўжаликларининг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ⁵

Кўрсаткичлар	Йиллар			2023 й. 2019 й. нисбатан ўзгариш, %
	2019	2021	2023	
Томорқа хўжаликлари сони, дона	462606	611459	611459	132
Томорқа хўжаликларига ажратилган экин майдони, га	55963	55963	65945	118
Томорқа хўжаликларида етиштирилган ялпи ҳосил, минг тонна	1472,7	1823,8	2027,3	138
Экин майдонидан фойдаланиш даражаси, % да шундан, эртаки	82	87	94	115
Ўртаки	41	43	47	115
Тўқсонбости	29	31	44	152
Томорқа хўжаликлари даромадлари, млрд. сўм	2209	4012	6082	275
Томорқа хўжаликлари харажатлари, млрд. сўм	663	1204	1825	275
Томорқа хўжаликларининг фойдаси ёки зарари, млрд. сўм	1546	2808	4257	275
1 та томорқа хўжалигига тўғри келадиган ўртача фойда ёки зарар, минг сўм	4775	6562	9947	208

⁵ Қашқадарё вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маълумотлари асосида тузилган.

Ушбу кўрсаткичларда ўсиш тенденциялари сақланаётганлигига қарамасдан, аксарият томорқа хўжаликлари ўртаки ва кечки экинларни етиштириш бўйича муаммоларга юз тутмоқдалар. Бунинг асосий сабаби айнан суғориш муаммоси, ер билан ишлаш маданияти, экинларни экиш муддатлари, нав ва насл танлаш, қайта ишлаш, сотиш ва шунга ўхшаш қатор сабаблар туфайли томорқа ерларидан унумли фойдаланилмай келинмоқда.


Қашқадарё вилояти томорқа хўжаликлари экин майдонларига экилган экинлар (эртаки, ўртаки ва кечки) майдони ва ҳосилдорлиги, томорқа хўжаликларининг даромадлари, харажатлари, “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида бир хил турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилаётган маҳаллалар ва Қамаши туманидаги 414 та томорқа хўжаликлари фаолияти таҳлил қилинди. Монографик тадқиқотлар Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманларида ўтказилди.

Сўровнома таҳлилларича, вилоятда 48 фоиз уй хўжаликлари ўз томорқаларидан бир марта, 29 фоизи икки марта, 16 фоизи уч марта ва 7 фоизи умуман ҳосил олмасликлари аниқланди. Томорқа хўжаликлари аъзолари даромадининг 51 фоизи деҳқончиликдан ва 49 фоизи чорвачиликдан олинган бўлиб, ушбу даромаднинг 60 фоизини ўз эҳтиёжлари учун ишлатаётганликлари аниқланди.

Таҳлилларга кўра, томорқадан 3 марта ҳосил олиш бир марта ҳосил олишдаги олинган даромадга нисбатан томорқадан олинадиган даромаднинг 3,5 бараварга ошишини таъминлайди. Вилоятда 819 та МФЙдан 52 таси “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга тўлиқ ихтисослашган маҳаллалардир. Биз вилоятдаги МФЙларининг ҳудудий жойлашуви, иқлими, мавсумийлик, анъаналар, сувдан фойдаланиш ва бошқа омиллар бўйича 398 та МФЙда маҳсулот етиштиришга ихтисослашув даражасини таҳлил қилдик.

Таҳлиллар асосида таъкидлаш мумкинки, “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган маҳсулот етиштириш тизими ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга бўлиб, маҳалла доирасида мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда афзалликларини юзага чиқариш ўзининг самарасини беради. Ўз навбатида “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган маҳсулот етиштириш тизимини жорий этиш, айниқса йилнинг барча экин мавсумлари давомида маҳсулот етиштириш бир нечта босқичларни қамраб олиб (1-расм), бу маҳалла учун катта ижтимоий бирлашувни, кооперацион муносабатларни шакллантириш ҳолатига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Сабаби маҳалла бир маҳсулот етиштиришга ихтисослашганда ҳам ишлаб чиқариш, савдо имкониятларини ўзаро бирлаштирмас экан бу тизим ижобий яқунланиши қийин саналади. Шу сабабли, биз тадқиқотларимиз асосида, “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган ҳолда мақбул муддатларда маҳсулот етиштириш тизимининг ишлаш механизмини 4 та босқичини тавсиф этган ҳолда, танланган вазифалар ўз муддатида, уюшқоқлик билан амалга оширилиши ушбу тизимнинг самарадорлигини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.



1-расм. “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойилига асосланган ҳолда мақбул муддатларда маҳсулот етиштириш тизимининг ишлаш механизми (тавсия)⁶

Тадқиқотларимизга кўра, томорқа хўжаликлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни бозор ёки дала дўконларига олиб бориш, чорвачилик учун махсус жойлар тайёрлаш, мини техникалар етказиб бериш ва уларга хизмат кўрсатиш, томорқа хўжалиги аъзоларига бозор, ем-хашак, озуқа манбалари ва бошқа шу каби масалаларда консалтинг хизматлари кўрсатиш, ўғитлар, юқори сифатли уруғлар, зотдор моллар, кўчатлар ва пестицидларни етказиш борасида муаммолар юзага келмоқда. Мавжуд “Томорқа хизмати” МЧЖлар

⁶ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

юқорида келтирилган муаммоларни бартараф эта олмаяпти. Шу боис, жойларда томорқа хўжаликларига зарур агро ва ветеринария хизмати кўрсатувчи “Томорқа хўжалиги – таъминот-сервис” хизматини ташкил этиш ва дастлабки 3 йилда фаолиятини давлат томонидан (Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси) қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ саналади (2-расм).



2-расм. “Томорқа хўжалиги – таъминот-сервис” хизмати фаолиятини ташкил қилинишни рағбатлантириш йўллари⁷.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу тузилма давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилиб, деҳқон ва томорқа хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини томорқа хўжалигидан бозорларга ёки бошқа истеъмолчиларга ташиш, чорва учун махсус жойлар, мини техникалар етказиб бериш ва уларга хизмат кўрсатиш, ахборот-консалтинг хизмати, суғориш, ем-хашак, озуқа манбалари, бозор ва бошқалар ҳақида маълумот бериш ҳамда юқори сифатли уруғлар, кўчатлар, зотдор моллар, ўғитлар, пестицидлар етказиш каби хизматларни кўрсатади.

У маъмурий бошқарув, хўжалик бўлимлари, хизматлар ҳамда бошқа бўлимлардан иборат ташкилий тузилмага эга бўлиши мумкин бўлиб, таклиф этилаётган ушбу тузилма фаолиятининг дастлабки 3 йилида давлат томонидан турли ташкилий ва иқтисодий дастаклар ёрдамида қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ.

Давлат томонидан солиқлар, субсидиялар, божхона ва кредит имтиёзлари орқали иқтисодий қўллаб-қувватлаш дастакларидан фойдаланиш мумкин. Жумладан, фаолиятининг дастлабки 2 йилда барча турдаги солиқлардан озод қилиш, учинчи йилда 50 фоиз ставкада белгилаш, четдан жалб этилган ходимлар учун 2 йил давомида давромат солиғини ноль ставкада белгилаш, хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган техника ва эҳтиёт қисмлар учун божхона имтиёзлари бериш, мазкур хизматлардан фойдаланган деҳқон хўжаликларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробарида бир марталик субсидиялар ажратиш, мавсумийликдан келиб чиққан ҳолда 3 ойлик имтиёзли давр билан қайта молиялаш ставкасида имтиёзли кредитлар ажратиш каби механизмлар ўзининг самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, томорқа хўжаликлари даромади миқдори унинг аъзолари сони, маълумоти даражаси, янги навлар ва насл тури, ер майдони, эртаки, ўртаки ва кечки экинларни экиш даражаси ҳамда таъминот ресурслари кўплиги билан боғлиқ.

Шунингдек, диссертацияда истиқболда томорқа хўжаликлари даромад даражасини ошириш йўналишлари, қишлоқларда хизматлар тизимини ривожлантириш, навлар ва насл билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалий жиҳатдан асосланган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида томорқа хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида томорқа хўжаликлари негизида тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағалликни қисқартириш, Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни диверсификациялаш асосида томорқа хўжаликлари фаоллиги ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ҳамда прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда томорқа хўжаликлари фаоллиги кўпчилик аҳолининг асосий даромад манбаи ва бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш воситаси эканлиги сабабли давлатимиз томонидан улар самарадорлигини оширишга катта эътибор кучайтирилмоқда.

Маълумки, камбағалликни келтириб чиқарувчи асосий омилларга оилада эркак ёки аёл кишининг турмуш ўртоғининг бўлмаслиги ва шу оилада катта бўлиш, нафақага чиқиш, ижарада яшаш, соғлиқ ва саводхонлик даражасининг пастлиги, оилада ногиронлиги мавжуд ва сурункали касаллиги бўлган кишиларнинг бўлишини киритиш мумкин. Бизнингча, камбағаллик – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий аҳволига хос хусусият бўлиб, уларнинг ҳаёт кечириши, меҳнат қилиш қобилиятларини сақлаб қолиши, авлод қолдиришлари учун молиявий ресурслар ва энг зарур бўлган минимал эҳтиёжларнинг етишмаслигидир.

Жаҳон банки томонидан тавсия этилган камбағалликни аниқлаш мезонига кўра, Ўзбекистон Республикаси ўртача даромаддан паст давлатлар қаторига киради. Тадқиқотларимиз, қишлоқ хўжалигида аҳоли томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ва улар фаолиятини тадбиркорликка йўналтириш ҳисобига иқтисодий барқарорлик ҳамда камбағалликни пасайтириш мумкинлигини кўрсатди.

Томорқа хўжаликлари аъзоларининг хўжаликни юритишда фан-техника ютуқлари, илғор тажрибалар, замонавий бошқариш, деҳқончилик маданиятининг пастлиги ва шу каби муаммолар томорқа хўжаликлари фаолиятини диверсификациялашни талаб этмоқда. Бунинг учун томорқа хўжаликлари фаолиятини нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки йиғиш, сақлаш, қадоқлаш, ташиш, сотиш каби фаолиятлар билан шуғулланиш имкониятларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Томорқа хўжаликлари аъзоларига ажратилган кредитлар, берилаётган имтиёзлар, улардан фойдаланиш даражаси ва муаммоли бўйича таҳлилларимиз ҳам томорқа хўжаликлари фаолиятини манзилли диверсификациялаш ишларини жадаллаштириш лозимлигини кўрсатди (3-расм).



3-расм. Тадбиркорлик кўникмаларини ошириш маркази фаолияти⁸.

⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларимиз рақамли иқтисодиёт шароитида томорқа хўжаликларининг фаоллигини ошириш ва келгусида фаолиятини тадбиркорликка йўналтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида мобиль “Тадбиркорлик кўникмаларини ошириш маркази” ва “Оилавий агро-маслаҳатчи” хизмати субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу марказ фаолияти Қамаш туманининг Қорабоғ, Қоратепа, Тўқбой ва Чим МФЙлари жойлашган 414 та уй хўжаликлари фаолиятида синовдан ўтказилди.

2-жадвал.

